

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИНИНГ ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси БШ вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган машҳур беш тамойилга асосланган, жаҳонда ривожланишнинг «Ўзбек модели» деб эътироф этилган ислохотларнинг изчил ва босқичма-босқич амалга оширилиши, инкирозга қарши пухта ўйланган чораларнинг ўз вақтида қабул қилинган туфайли мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий ўсиш таъминланганини таъкидлади.

Дунё мамлакатларининг аксарияти жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг салбий оқибатларини бошидан кечираётган ҳозирги шароитда, яъни бу давлатларда ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражаси кескин пасайиб кетган бир пайтда, Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинаётган стратегия нечоғли узоқни кўзлаб, чуқур ва пухта ишлаб чиқилгани бугун яққол намойён бўлмоқда. Конференция қатнашчилари ўз чиқишларида Президент Ислом Каримовнинг «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» ва «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» мавзусидаги маърузаларда келтирилган қоида ҳамда ҳуқуқлар ҳам буни яққол тасдиқлашнинг алоҳида таъкидладилар.

Миллий иқтисодиётимиз, унинг барча молия институтлари ва ишлаб чиқариш тармоқларининг барқарор ва узлуксиз ишлаши учун зарур заҳира яратилгани, бу янада изчил ривожланиш учун салоҳиятини ошириш, мустаҳкам пойдевор яратишда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

Жаҳонда иқтисодий кўрсаткичларнинг муттасил пасайиб кетаётганига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик сақланиб турибди, кенг кўламли таркибий ўзгаришлар ва бозор механизмларини мустаҳкамлаш давом этмоқда, ишлаб чиқариш юксалмоқда, экспорт кўрсаткичлари, жумладан, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобидан оширилмоқда, уни диверсификация қилиш ва етказиб бериш кўлами кенгаймоқда, хорижий инвестициялар жадал суръатда жалб этилмоқда.

Конференцияда таъкидландики, Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида баён қилинган ва дунёнинг етакчи иқтисодчилари томонидан кенг эътироф этилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши чоралар дастури чуқур ва изчил ислохотлар сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. 2009 йил май ойида пойтахтимизда ушбу китобни ўрганишга бағишланган йирик халқаро илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди. Бюджет, молия-банк ва кредит тизимини, иқтисодиёт реал сектори тармоқларини кўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардорлигини ошириш мақсадида уни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилаш Ўзбекистоннинг Инкирозга қарши чоралар дастурининг асосий йўналишларидандир.

Анжуманда мазкур чораларнинг амалга оширилиши кейинги икки йилда тижорат банкларининг жами капиталини икки баравар кўпайтириш имконини бергани қайд этилди. Ушбу банкларда капиталнинг етарлилик даражаси Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баравар орттиқдир. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инновация технологияларини жорий этиш, ресурсларни тежаш ва маҳсулот таннархини камайтириш эвазига реал сектор корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этди. Хўжалик субъектлари учун солиқ юқини имкон қадар пасайтириш чоралари кўрилди. Мамлакатимиз экспортчи корхоналарининг ҳар томонлама кўллаб-қувват-

ланиши ва барқарор ишлаши натижасида 2009 йилда экспортга маҳсулот етказиб бериш ҳажми ўсди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга катта эътибор берилди. Бугун ушбу соҳада мамлакат ялли ички маҳсулотининг қарийб 50 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, фермерлик ҳаракати ҳар томонлама кўллаб-қувватланмоқда.

Инкирозга қарши чоралар дастурининг 2008 йилдан муваффақиятли амалга оширила бошлаши Ўзбекистон учун, дунёнинг санокчи мамлакатлари қатори, жаҳон инкирозининг салбий оқибатларини камайтириш, иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини, аҳоли фаровонлигининг ўсишини таъминлаш имконини берди. Мисол учун, 2009 йилда ялли ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил қилди.

Конференциянинг ялли мажлисида сўзга чиққан халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий ишбилармон доиралар вакиллари, олимлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга, мамлакатимизда глобал ин-

ендашувдир. БМТ Тараққиёт дастури келгусида ҳам ижтимоий дастурларни рўёбга чиқариш ҳамда миллий салоҳиятни ривожлантиришда Ўзбекистонни кўллаб-қувватлаверади.

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) вакили Девид Овен конференция иштирокчиларига жаҳон молиявий-иқтисодий тизимининг инкироздан чиқиши бўйича ХВЖ прогнозлари тўғрисида маълумот берди ва бу жараён дунёнинг турли минтақаларида турли суръатларда кечаётганини таъкидлади. Ўзбекистон инкироз оқибатларини бартараф этишда нафақат МДХ, балки бошқа кўллаб-қувватлаш орасида энг яхши натижага – ялли ички маҳсулотни салмоқли ва барқарор оширишга эришди. Жаҳон инкирози таҳдидларига ўз вақтида жавоб қайтариш бўйича пухта ва чуқур ўйланган сиёсат ташқи салбий таъсирларни юмшатиш имконини берди. ХВЖ мамлакат раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган барча ижобий ташаббусларни кўллаб-қувватлашга тайёр. Ўзбекистонда амалга оширилаётган стратегиядан минтақанин-

чи директори Чи Чанг Хуннинг фикрича, Навоий шаҳрида эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ташкил этилиши ва унинг асосий объектларидан бири бўлган «Навоий» аэропорти бозор ислохотларининг ўзбек модели самарадорлигига ёрқин мисол бўла олади. Бу, ўз навбатида, Европа, Ҳиндистон, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёни бирлаштирадиган замонавий Буюк Ипак йўлини барпо этишда катта истиқболга эгадир. Ўтган йили «Навоий» аэропортидан халқаро йўналишлар бўйича қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди ва бу мазкур аэропортни глобал логистика тармоғига интеграциялаштириш имконини берди. Янги юк терминалининг қурилиши йилига 100 минг тоннагача юкни қабул қилиб олиш, сақлаш ва жўнатиш имконини беради. Яқин вақт ичида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, шубҳасиз, Евроосиёдаги энг йирик иқтисодиёт марказига айланади.

Конференцияда сўзга чиққан АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Ричард Норланд Ўзбекистон иқтисодиётида ўтиш даврини муваффақиятли бошдан кечирган кам сонли мамлакатлардан бири эканини таъкидлади. Бугун Америка компаниялари Ўзбекистонни ўз сармояларини киритиш учун энг жозибдор бозор сифатида қайд этмоқда. Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган америкалик тадбиркорлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Мамлакатда хорижий инвестицияларни ҳимоя қилиш учун кўрилатган чоралар келажақда уларни мамлакат иқтисодиётига янада фаол жалб қилиш қарорига ҳисобланади.

Нью-Йорк давлат университети (АҚШ) профессори Парвиз Морвижнинг таъкидлашича, Президент Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб амалга оширилаётган сиёсати самарасида бугун Ўзбекистон дунё мамлакатлари учун иқтисодий ўсиш модели бўлиб хизмат қилмоқда ва у кўлга киритаётган улкан ютуқлари билан халқаро ҳамжамиятга ўз ривожланиш дастурининг самарадорлигини намойиш этмоқда. Ўзбекистон нафақат глобал иқтисодий инкирозининг салбий таъсирини самарали бартараф этиш, балки комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда ҳам бошқа давлатлар учун ўрнак бўлмоқда. Бу чора-тадбирларнинг изчил рўёбга чиқарилиши эса келажақда мамлакатни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Сўнгра конференция ўз ишини секция мажлисларида давом эттирди. Уларда жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг дунё мамлакатлари иқтисодиётига таъсири ва унинг оқибатлари, инкироздан кейин халқаро ва минтақавий даражада ривожланиш истиқболлари муҳокама этилди.

Анжуман якунлари бўйича тайёрланган ҳулоса ва тавсияларда Ўзбекистонда глобал инкироз хавфларига самарали қарши туришга қаратилган амалий чора-тадбирларнинг юксак самаралари ҳамда Президент Ислом Каримовнинг маърузаларида белгиланган инкироздан кейинги даврда ривожланишнинг чуқур асосланган устувор йўналишларининг муҳим аҳамияти ва долзарблиги алоҳида қайд этилди. Ўзбекистоннинг Инкирозга қарши чоралар дастури ва мамлакатни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дунёнинг кўллаб-қувватлаш учун муҳим амалий аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Мазкур халқаро конференция ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, кенг кўламли таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган ривожланишнинг «Ўзбек модели» бутун дунёда катта қизиқиш уйғотаётганини яна бир қарра тасдиқлади. Ўзбекистоннинг Инкирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш, мамлакатни янада модернизация қилиш ва янгилаш бўйича кенг кўламли ислохотларни чуқурлаштиришга доир тажрибаси аксарият давлатлар учун бугунги кунда ҳамда келажақда барқарор ривожланиш намунаси бўлиб хизмат қилади.

Анна ИВАНОВА,
Ўза мухбири
Аъло Абдуллаев олган суратлар



Қарор ва ижро ТАДБИРКОР — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлатимиз томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасида бугун юртимиздаги ялли ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизи ушбу сектор ҳиссасига тўғри келмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда тадбиркорликнинг ҳиссаси тобора ошмоқда. Пойтахтимизда тадбиркорлар ва назорат қилувчи идоралар масъул ходимлари иштирокида ўтказилган семинарда шу ҳақда гап борди. Тадбир Ўзбекистон Адлия вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки ҳамда Ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилгани таъкидланди. Айниқса, 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун фуқароларнинг тадбиркорлик билан эркин шугулланиши учун янада кенг йўл очди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 24 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарори асосида тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишнинг қисқа ва соддалаштирилган тартиби жорий қилинди. Натижада бу борадаги айрим тўсиқлар бартараф этилди.

Семинарда соҳага оид қонун ҳужжатлари моҳияти ва улардан амалда самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан аниқ жавоб олди.

Н.АБДУРАИМОВА,
Ўза мухбири

Алоқа ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲА

Кейинги йилларда Тошкент шаҳар телефон тармоғида қатор техникавий янгиланган юзага келди. «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг филиали ҳисобланган бу корхона томонидан олиб борилган изланишлар туфайли бир неча иxtирочлик ишлари амалиётга татбиқ қилинди.

Рақамли телефон станцияларини бошқарадиган ягона мониторинг маркази лойиҳаси эса янги яхши техника ижодкорлиги намунаси деб топилди. Ушбу ишланма ўзининг қатор афзал томонларига эга бўлиб, станцияларда юзага келадиган авариявий ҳолатларни ўша вақтнинг ўзида аниқлаш ва уларни қисқа муддат ичида бартараф қилиш билан бирга алоқа хизмати сифатини янада ошириш имконини беради.

Бу лойиҳа III республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида муваффақиятли намойиш қилинди.

МАРКАЗНИНГ ИННОВАЦИОН ҒОЯСИ

Тошкент Ахборот технологиялари университетининг ахборот технологиялари марказида техника ижодкорлиги кенг йўлга қўйилган.

«Атроф-муҳитда заҳарли, ёнғин ва портлаш хавфи мавжуд бўлган газларни аниқлаш бўйича масофавий радиомониторинг тизими» лойиҳаси ҳам марказнинг жиддий ютуғи бўлди.

«Е-университет визуал тизими» деб номланган лойиҳалар ҳам амалиётга татбиқ этилиб, таълим жараёнида ўз ечимини топди.

Бундан ташқари марказ изланиши билан «Электрон ресурслар кутубхонаси» тайёрланди.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа техникавий янгиланган Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ижобий баҳоланди.

Жорий йилда марказ яна қатор инновацион лойиҳаларни яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.
Сардор ҲИҚМАТОВ

МЕҲНАТЛАРИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телеграф-телефон станцияси» филиалида бир неча бўлим фаолият кўрсатмоқда. Коммутаторлик цехида ҳам тадбиркорлик билан иш олиб борилмоқда.

Цехда «АДМОСС» хабардор қилиб қўйиш столи ва «Халқаро алоқа хизмати» каби иш ўринларини мукамал ўрганган мутахассислардан бир гуруҳи яқинда «Ўзбектелеком» компанияси томонидан муносиб тақдирланди.

Режа бўйича ўтказиладиган техник машғулотлар голибларига эса Фахрий ёрликлар топширилди.
Ақбар АЛИҒВ

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» китобида халқаро иқтисодий бўҳрон таъсирини, жумладан, солиқ юкни энгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш орқали юмшатиш мумкинлиги қайд этилган. Давлатингиз раҳбари томонидан кўрсатиб берилган ушбу йўл жуда тўғри йўл, деб ўйлайман.

Мазкур анжуманда кўплаб мамлакатлардан ташир буюрган етакчи олим ва экспертлар Ўзбекистоннинг инқирозга қарши чора-тадбирлари билан яқиндан танишиш ва бой тажрибасини ўрганиш имкониятига эга бўлди. Бу бошқа мамлакатлар учун ҳам молиявий бўҳрон оқибатларини бартараф этишда кўл келади.

Тецуки ТАНАКА, Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти ижрочи директори (Япония):

— Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёда савдо ҳамининг кескин пасайиб, кўплаб мамлакатларда иқтисодий кўрсаткичларнинг тушиб кетишига сабаб бўлди. Кўплаб ривожланган мамлакатларнинг банк тизими инқироз сивовларига дош бера олмади. Шундай мураккаб шароитда Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш тажрибасини ўрганиш гоёт муҳимдир. Шу боис ушбу конференция молиявий таназзул гирдобидан зарарсиз чиқа олган мамлакатингизнинг Инқирозга қарши чоралар дастурида белгилаб берилган муҳим устувор йўналишларни ўрганиш ва амалий самаралари билан яқиндан танишиш учун қўлай имкониятдир.

Банк соҳасида катта тажриба орттирган мутахассис сифатида айта оламани, Ўзбекистонда пухта банк тизими яратилган. Шу тизим туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида юртингизда банклар фаолиятига путур етмади.

2009 йили Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичи жуда юқори бўлди. Ўзбекистон Инқирозга қарши чоралар дастурини Япониядан анча аввал амалга оширишга киришди. Тан олиш керакки, аксарият мамлакатларда аксилинқироз дастурлари ишлаб чиқилган. Бироқ Ўзбекистоннинг дастури бошқа мамлакатларникидан мукамаллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун у юқори самара бермоқда.

Лаура Жузеппина МАЖИ хоним, Италиянинг «Интерэнерджи» энергетика компанияси директори:

— Ўзбекистонда ўтказилган қатор йиллик анжуманларда иштирок этганим. Бундай хайрли ва фойдали анжуманларни ташкил этиш орқали Ўзбекистон ўзининг юксак сийёсий нуфузи ва улкан иқтисодий салоҳиятини намойиш қилаётди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» асари халқаро майдонда катта қизиқиш уйғотди. Ажойиб фикр ва гоёлар билан йўғрилган бу китобда глобал иқтисодий таназзулга қарши курашиш чора-тадбирлари ва иқтисодий барқарорликка эришиш йўллари оқилона ёритиб берилган.

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни мустаҳкамланиб, жаҳон иқтисодий соҳасидаги нуфузи охиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатингизда хорижий сармоядорларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун кўплаб қўлайликлар яратилган. Бундай имтиёз ва имкониятлар италиялик бизнесменларнинг ҳам Ўзбекистонга қизиқишини торабора орттирмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироздан санокли давлатларга бевзарар чиқишга эришди. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Мамлакатингизнинг ялпи ички маҳсулоти 2009 йилда 8,1 фоиз ўсгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурида электр энергетикаси тармоғини модернизация қилиш, энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш устувор вазифа этиб белгиланган. Бу чораларни ҳаётга ижтисодий таътиб этиш нечоғли юксак самаралар берганига дунё ахли гувоҳ бўлиб турибди. Бошқа давлатларда ҳам бу дастурдан ибрат олиб иш юритиш иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Аман АГАРВАЛ, Ҳиндистон Молия институти раисининг ўринбосари, профессор:

— Ушбу конференциянинг ташкил этилиши жуда фойдали бўлди. Кўпчиликка яхши маълумки, Ўзбекистон молиявий-иқтисодий инқироз гирдобига тушмади. Мамлакатингиз юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини сақлаб қолдишга эришган эътиборга сазовор. Бу Ўзбекистонда юритилаётган оқилона иқтисодий сийёсат самарасидир.

Конференцияда Ўзбекистоннинг иқтисодий таназзулни энгиз ўтиш борасидаги тажрибаси, инқирозга қарши амалга оширган чоралари юксак самаралар бераётгани халқаро экспертлар томонидан алоҳида таъкидланди. Шунинг қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг инқирозга қарши чоралар дастури дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Жаҳон бозорига талаб пасайиб бораётган бир шароитда, Ўзбекистоннинг ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқарувчиларни кўплаб-қувватла-

ши мамлакат иқтисодий юксалишининг юқори суръатларини сақлаб қолиш имконини берди. Бу босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар бераётган юксак самаралардандир.

Редзуан КУШЕЙРИ, Малайзиянинг «Seloga Petroleum» компанияси ижрочи директори:

— Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурида мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш ва халқ турмуш даражасини юксалтиришнинг устувор тамойиллари аниқ белгилаб берилган. Шу боис ушбу дастур молиявий-иқтисодий бўҳрондан азият чекаётган кўплаб давлатлар учун ҳам фойдали қўлланма бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда самарали банк тизими шаклланди. Шу боис молиявий муассасалар жуда фаол ва муваффақиятли иш олиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, иқтисодий бўҳрон таъсирини юмшатиш ва бартараф этишга хизмат қилади. Мамлакатингизда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари қатори нефть-газ соҳаси ҳам изчил тараққий этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур соҳада халқаро ҳамкорликка улкан эътибор қаратилаётди. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида хорижий инвесторлар учун яратилган кенг имкониятлар ва қўлайликлар билан танишиб, Ўзбекистонда эркин ва самарали бизнес учун барча зарур шароит мавжуд эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

фирк ва мулоҳаза алмашиш учун қўлай имконият яратди.

Ўзбекистон жаҳон илм-фани ва ислом маданияти тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк сиймолари, қадимий меъморий ёдгорликлари, тарихий обидалари билан дунёга машҳур. Индонезияда ҳам ўзбек заминидан етишиб чиққан алломаларнинг бой маънавий мероси катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганилади.

Фаҳад АЛ-МЕКРАД, Кувайтнинг Очқ араб университетини профессори, сийёсий фанлар доктори:

— Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон истиқлолга эришган илк йиллардан оқилона иш тутиб, «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган ҳаётий тамойилга асосланиб юритган ижтимоий-иқтисодий сийёсати бераётган юксак самаралар жаҳонда кенг эътироф этилган. Ана шу тамойилга асосланган ислохотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган юксак муваффақиятларда муҳим омили бўлмоқда.

Мамлакатингиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» китоби бугуннинг энг долзарб мавзусини кенг ва батафсил акс эттиргани билан аҳамиятлидир. Кўплаб хорижий тилларда чоп этилган бу асар халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотди. Турли мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида ушбу китобга бағишланган кўплаб мақола ва интервьюлар

рини бераётгани эътиборга молик.

Шунингдек, қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш дастури қишлоқларни замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан қайта қуриш, қиёфасини янгилаш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш ва уни шаҳар шароитига яқинлаштириш билан боғлиқ йўналишларда изчил амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир.

Чао ХУЭЙЖУН хоним, Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти вакили:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» асарини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Мазкур асар билан танишар эканман, давлатингиз раҳбарининг узққни кўра олиш қобилиятини яна бир бор ҳайратга тушдим.

Ўзбекистон ўз йўлбошчис раҳнамолигида бозор иқтисодиётига ўтишни босқичма-босқич йўлини танлади, иқтисодиётнинг сийёсатдан устуворлиги тамойилга асосланиб иш юритди. Бу гоёт оқилона ёндашувдир. Унинг нечоғли тўғри экани глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида аниққиса яққол намойён бўлди. Жумладан, 2009 йили Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз ўсгани жуда юксак натижадир. Инқироз шароитида бундай муваффақиятга эришиш осон эмас.

Шунинг алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларни кўплаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг барча тармоқларига сармоа, шу жумладан, хориж сармоясини жалб этишга катта эътибор қаратилаётди. Бу ўзининг юксак самараларини бераётди.

Нирмала ЖОШИ, «Ҳиндистон-Марказий Осиё» тадқиқот жамғармаси директори, профессор:

— Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифалар — қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, фермер хўжалиқлари ривожини ҳар томонлама кўплаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётди. Ислохотларнинг улзусиз, босқичма-босқич амалга оширилаётгани сабабли Ўзбекистон юксак иқтисодий кўрсаткичларни кўлга киритмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган мураккаб шароитда Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш тажрибасини ўрганиш гоёт муҳимдир. Конференцияда ана шундай имкониятга эга бўлганимиздан жуда мамнунмиз.

Датук Муҳаммад Изаат АМИР, Малайзия ишбилармонлари ва саноатчилари уюшмаси президенти, «Emir Holdings» гуруҳи раиси:

— «Инқирозга қарши чоралар дастури»нинг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида) мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманда иштирок этиш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандим.

Ўзбекистонга кўп келганман. Ҳар гал келганимда иқтисодиёт, маданият, фан-таълим, сайёҳлик, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда рўй бераётган улкан ўзгаришлар ва кўлга киритилаётган ютуқлардан ҳайратланаман. Шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, юртингиз қиёфасини янада гўзаллаштириш борасида амалга оширилаётган беъқис ишларга таҳсин айтса арзийди.

Юксак интеллектуал салоҳиятга эга, интилувчан ва изланувчан, илмга чанқоқ Ўзбекистон ёшлари билан мулоқотда бўлиб, мамлакатингиз келажаги порлоқ эканига яна бир бор амин бўлдим.

Сунь ЛИ, Хитой ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори ўринбосари:

— Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишларига бағишланган мазкур анжуманда иштирок этаётганимдан жуда мамнунман. Конференция айна вақтда глобал иқтисодий бўҳрон билан боғлиқ муаммоларга ечим топишда ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берди. Бу борада Ўзбекистон эришаётган юксак муваффақиятлар жаҳон ҳамжамиятида ҳақли равишда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурида юртингизда банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалиқ юритувчи субъектларнинг буш маблағларини тижорат банклар депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ҳам муҳим вазифа сифатида белгиланган. Изчиллик билан амалга оширилаётган ушбу вазифалар бугун юксак самаралар бераётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўзбекистонда ўз вақтида ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга оширилаётган бундай самарали чора-тадбирлар бошқа кўплаб мамлакатлар учун ҳам глобал инқироз шароитида қўлланма бўлишига ва у юқори натижалар беришига ишонаман.

Ўза мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА, Мадина УМАРОВА ёзиб олди.

Санъат

БАСТАКОРНИНГ НАВБАТДАГИ ОПЕРАСИ

Ўрта аср Шарқининг буюк даҳоси Абу Али ибн Сино илмий мероси тиббиёт оламида алоҳида ўрин тутди. Бу буюк шифокор олим ҳаёти ва ижоди бадий асарларда ҳам ўз ифодасини топган. Янги яратилган мусиқа асари эса операнинг юзага келишига хизмат қилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби таниқли бастакор Мустафо Бафоевнинг «Ибн Сино» операси ўзининг оҳангларга бойлиги, жозибали талқини билан ҳам эътиборни жалб этади. Уни яратишда бастакор миллий оҳанглар орқали даврнинг ўзига хос жозибасини тараннум этишга муваффақ бўлди.

Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, мазкур мусиқали саҳна асари бастакорнинг навбатдаги учинчи операси саналади. Шарқнинг улғу олими Ал-Фарғонининг мадҳ этувчи опера Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта опера ва балет театри репертуаридан ўрин олди. Янги опера ҳам шу санъат қононасида саҳналаштирилган бўлди.

МУСИҚАЛИ СПЕКТАКЛЬ

Республика қўғирчоқ театри репертуари янги асарлар билан бойиб бормоқда. Кичик саҳна усталари аксарият спектакллари халқ эртаклари асосида яратмоқда.

«Качал полвон» кичик томошабинларнинг энг севимли эртагига айлиниб қолди. Театрнинг рус ижодий гуруҳи жамоаси томонидан саҳналаштирилаётган қўғирчоқ спектакллари мухлислари ҳам ортиб бормоқда. Бундай қизиқарли ижодлардан бири ёшларни жасурликка ундовчи асар сифатида саҳна юзисини кўрди. Драматург Владимир Шварц сценарийси асосида саҳнага олиб чиқилган бу янги спектакль мусиқавий лавҳаларга бой бўлиб, ёш томошабинларда нафосат туйғусини ўстиришга хизмат қилади. Саҳна безаклари ҳам асар мазмунига мос.

Янги спектакль қўғирчоқ театрининг Баркамол авлод йилига кўшган ижодий ҳиссаси бўлди. Айна вақтда кичик саҳна усталари болалар қалбига эзгу туйғуларни ўстиришга даъват этувчи яна бир неча спектакллари тақдим этишни режалаштирган.

«ТОМОША-2010» ФОЛИБЛАРИ


Бугунги кунда мактабларда турли ижодий студиялар фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида мактаб театрлари ҳам алоҳида ўрин тутди. Республика ёш томошабинлар театрида кўрсатилган спектакллар ҳам бадий ҳаваскорлар маҳорати намойишига айланди.

«Томоша-2010» шиори остида ташкил этилган мактаб театрлари фестивали доирасида ҳаваскор ижодкорлар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

«Мастер-класс» болалар мусиқа театри тақдим этган «Сехргарлар мактаби» саҳна асари фестивалда юқори баҳо олди. Юнусобод туманидаги 70-мактаб ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Илҳом» ўқувчилар театри саҳналаштирган спектакль ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

«Томоша-2010» мактаб театрлари фестивали доирасида «Нафосат-2010» қўғирчоқ спектакллари танлови фолиблари аниқланди. Энг яхши асарлар ҳомийлар томонидан муносиб тақдирланди.

Анвар ОБИДОВ



Тон СТЕКЕЛЕНБУРГ, Фонтис университети ҳузурдаги Халқаро бизнес институти директори (Нидерландия):

— Турли мамлакатлардан етук олим ва мутахассисларни бир жойга тўплаган ушбу конференцияда Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатишга асос бўлган омиллар, мамлакатингиз учун жаҳон бозорига янги марраларга чиқишининг ишончли йўллари акс этган иқтисодий дастур моҳияти ҳақидаги тасаввуримизни бойитганимиздан жуда хурсандим.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг сийёсатдан устуворлиги, давлатнинг бош ислоточчи экани, кучли ижтимоий сийёсат олиб борилаётгани, ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани туғри йўл экани иқтисодий инқироз шароитида ўзининг ҳаётлигини яна бир бор исботлади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни мустаҳкамланиб, нуфузи охиб бормоқда. Кўплаб мамлакатларнинг етакчи фирмалари компаниялари юртингизга тўғридан-тўғри сармоа киритишга қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар ва обрўли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга ошираётди. Мамлакатингизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга талаб торабора ортиб бораётгани ҳам Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳалари, хусусан, саноат жадал тараққий этаётгани ва халқ фаровонлиги юксалаётганидан далолатдир.

Ўзбекистон — сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга мамлакат. Юртингизда сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётди. Мамлакатингизда қад ростилаётган замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари торабора кўпайиб, уларда сервис хизмати тубдан яхшиланмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда узққни кўлаб юритилаётган оқилона иқтисодий сийёсатнинг самараларидандир.

Умар ЖУОРО, Индонезиянинг Жакарта шаҳридаги Ҳабибий номидаги илмий тадқиқот маркази катта илмий ходими:

— Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда юксак иқтисодий кўрсаткичлар барқарор сақлаб қолганига ва ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани ҳайратланарлидир. Бундай иқтисодий барқарорликка ва юксалишга эришиш катта меҳнат ва ўта маъсулятли ёндашушни талаб этади.

Кўплаб мамлакатлардан етук олимлар, тахлилчи ва экспертлар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари фаол иштирок этган ушбу халқаро конференция молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф қилиш юзасидан тақлиф этилаётган ёндашувларни муҳокама қилиш, бу борадаги муаммоларни минтақавий ва глобал даражада ҳал этиш юзасидан ўзаро

2010 йил — Баркамол авлод йили

ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШДИ

Тошкент фармацевтика институти (ТФИ)да талаба-ёшлар, профессор-ўқитувчилар, техник ходимлар ўртасида оммавий спартакиада мусобақалари бўлиб ўтди.

Бир hafta давомида бўлиб ўтган спартакиада мусобақалари дастурига киритилган спортнинг 8 та тури бўйича бахсларда институт талаба-ёшлари билан бир қаторда профессор-ўқитувчиларнинг ҳам шаштлари баландлиги биланди. Жумладан, органик ва биологик кимё кафедраси профессори, спорт усталигига номзод О.Обидов шахмат мусобақасида барча касбдошларидан устун келиб, бош совринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин — ноорганик, аналитик ва физиколоид кафедраси ассистенти Абдураҳим Набиев, учинчи ўрин — ботаника, физиология ва микробиология кафедраси доценти Акмал Абзаловга насиб этди.

Футбол бўйича биринчилигида профессор-ўқитувчилар ўртасида бўлиб ўтган чемпионатда Шеромон Шамсиев бошчилигидаги малака ошириш факультети устозлар жамоаси ғолиб бўлди.

Талабалар ўртасида бахслар ҳам мurosасис бўлиб ўтганини натижалар кўрсатди. Жумладан, волейбол бўйича бахсларда санат фармацевтиясининг Лазиз Уроков сардорлигидаги иккинчи босқич талабалар жамоаси барчани ортда қолдириб ғолиб бўлди. Гулжайр Тўйлиева сардорлигидаги биринчи босқич космевтика гуруҳининг волейболчилар ахил жамоаси ғолиб бўлди.

Мусобақалар жараёнида институтда стол теннисига катта эътибор бериб келинаётгани янада аниқ бўлди. Профессор-ўқитувчилар ўртасида фармацевтика кимё кафедраси катта ўқитувчиси Иноятоҳ Иминова ўйин жараёнида барча касбдошларини мағлуб этиб, мусобақа ғолиби бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринлар тиллар кафедраси ўқитувчилари Хилолаҳон Ғаниева ва Азизаҳон Раҳмоновларга насиб этди. Тайёр дори турлари технологияси кафедраси ассистенти Мирзохид Қодиров теннис

мусобақасида ғолиб бўлган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларга фармацевтика фанлари номзоди Ҳамдам Бекчанов ва ассистент Абдураҳим Набиевлар лойиқ деб топилди. 24 килограмм оғирликдаги қадок тош кўтаришда санат фармацевтиясининг факультетининг 3-босқич талабаси Жасур Расуловга тенг келадигани топилмади.


Ота-боболаримиз томонидан қадим-қадимдан катта тўй-томосшалар ва Наврўз байрамларида арқон тортиш мусобақаси удум бўлиб келган. Шу аънаъна институтда ҳам кўп йиллардан бери ўтказиб келинади. Арқон тортиш бахсида Сўҳроб Мирзаев бошчилигидаги талабалар гуруҳи мусобақанинг бош совринини қўлга киритди.

Миллионлар ўйини бўлган футболга талабалар жамоаси ҳам бафарқ эмаслигини кўрсатди. Футбол бўйича 12 та талабалар жамоалари ўртасида мurosасис равишда бўлиб ўтган курашлар натижасига кўра фармацевтика факультетининг Шерзод Расулов сардорлигидаги 2-босқич талабалар жамоаси ғолиблик наҳидасини сурди.

Қўл кучи баҳси — армрестлинг бўйича бахсларда эса 50 нафардан зиёд талаба-ёшлар ичида санат фармацевтиясининг факультети 4-босқич талабаси Жасур Рўзиевга тенг келадигани топилмади. У барча тенгдошларини мағлубиятга учратиб мулқаб ғолиб номинациясига сазовор бўлди.

Оилавий спартакиаданинг ғолиб ва совриндорлари институт раҳбарияти ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти томонидан таъсис этилган кубок, эсдалик совғалари ҳамда дипломлар билан тақдирландилар.

Висола КОСИМОВА,
ТФИ ўқитувчиси, спорт устаси
Асоимдин АБЖАМИЛОВ,
доцент



КЎРГАЗМАЛИ МАШҒУЛОТЛАР САМАРАСИ

Юнусобод туманидаги 554-«Пахтаой» мактабгача таълим муассасасида ҳозирги кунда 240 дан зиёд кичкинтой тарбияланади. Муассаса тарбиячиси Нодира Ибрагимова ҳам ўз фаолиятида мактабгача ёшдаги боланинг физиологик, интеллектуал ва рухий хусусиятларини жиособа олади. Бу ёшдаги бола учун теварак-атрофини билиш, ўзлаштиришда кўпроқ кўргазмалилик талаб этилади.

Машғулотлар жараёнида Н.Ибрагимова нарсаларнинг ўзи, уларнинг суратлари, ўйинчоқлардан ўринли фойдаланиш орқали бола

нутқини максимал ривожлантиришга эришади.

— Болалар нутқининг равлонлиги ва тушунарлигида ана шу кўргазмали воситалар етакчи ўринга чиқади, — дейди Нодира. — Таълимнинг ҳар бир босқичида кўргазмалилик ўзига хос вазифини ҳал этади. Масалан, тушунтириш жараёнида бола нарсанинг ўзини кўриши лозим бўлса, такрорлаш пайтида шу нарсанинг ўйинчоқ кўриниши ёки расмидан ҳам фойдаланишимиз мумкин. Болалар қизиқишини сўндирмаслик ёки уларни фаол-

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш жараёни болалар товуш талаффузини ҳосил қилиш, мустаҳкамлаш, фаоллаштириш, уларнинг луғат бойлигини ошириш, нутқ малакасини ривожлантириш, нутқининг грамматик соҳага оид мезонларини тўғри ишлатишга ўргатиш, бадиий адабиёт билан таништириш, болаларни савод ўрганишга тайёрлаш каби узлуксизлик ва кетма-кетликни таъминлашдан иборат.

лаштиришда ҳам кўргазмали куроллардан ўринли фойдаланиш зарур.

Булари жиддий ҳис этган Нодира Ибрагимова чуқур изланишлар олиб бормоқда. Унинг иш таърибаси ҳамкасбларида ҳам қизиқиш уйғотган. Айни кунларда Нодира бошқа тарбиячиларни ҳам жалб этган ҳолда таълим жараёнини кўргазмалилик билан бойитиш билан машғул бўлмоқда.

Малика ХОДЖАЕВА
СУРАТДА: Нодира Ибрагимова болажонлар билан машғулот ўтказмоқда.

КЕЛАЖАКНИНГ УМИДЛИ ЁШЛАРИ

«Миробод» болалар спорт мажмуасида мактаб ўқувчилари ўртасида футбол бўйича мусобақа ташкил этилди.

Болалар спортини ривожлантириш жағғармаси шаҳар филиали ва халқ таълими туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 1995-2000 йилларда туғилган ўғил болалар ўзлари беллашди.

Кейинги йилларда ўсиб келаётган авлоднинг спорт билан шу-

ғулланиши учун шарт-шароит яратиш, спорт мажмуаларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга алоҳи эътибор қаратилаётир.

Бу борада ўтказилаётган ҳар бир тадбирнинг мақсади келажагимиз эгаларини ҳар томонлама комил инсон бўлиши

учун кўмаклашиш, улар орасидан истеъоддорли ташлаб олиш ҳамда профессионал спортчиларни етиштириш орқали жаҳон ареналарида юртимиз байрогининг баланд кўтарилишига эришишидир.

Мусобақалар доимий тарзда ташкил этилиши эса ёшларнинг спортга

бўлган қизиқишини янада ортиши ҳамда юртимизда футболни юксак даражага олиб чиқишига хизмат қилади.

Мусобақа ғолиблари ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.
«Туркистон-пресс»

Футбол

Тўртинчи тур бошланди

Профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасидаги бу йилги мавсум бахслари анча қизиқарли кечмоқда. Буни пешқадам жамоаларнинг ҳатто ўз майдонларида ҳам ўртамеъна жамоалар билан дуранг натижа қайд этаётганлари исботлаб турибди.

Мамлакат XIX миллий чемпионатининг учинчи турида пойтахтимизда

«Шўртан» жамоаси билан куч синашган амалдаги чемпион «Бунёдор» аранг ду-

ранг натижа қайд этганди. Кунни кеча «Пахтакор» марказий стадионда «Пахта-

кор» — «Андижон» жамоалари учрашуви билан тўртинчи тур беллашувларига старт берилди. Қизиги шундаки, майдон эгалари меҳмонлар дарвозасига кўп марта хавфли хужумлар уюштиришмасин, гол киритишнинг урдасидан чиқа олишмади. 90 дақиқа давом этган баҳс 0:0 ҳисобида яқунланди ва пахтакорчилар ҳам муҳим очколардан маҳрум бўлишди.
Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Юнусобод туманидаги «Оқибат» ва «Уста Ширин» маҳаллалари ёнма-ён жойлашган бўлиб, кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ҳамкорликда ўтказиб келиниши аънаънага айланиб қолган.

Азалий қадриятларимиз тимсоли бўлмиш Наврўзи олам тантаналарига ҳам ҳар иккала маҳалла аҳли ҳамжихатликда тайёргарлик кўрди. Фаоллар бел боғлаб ишга киришилди. Натижада «Уч хў» маросимлар саройида ташкил этилган байрам тадбири уюшқоқ билан ва кўтаринки руҳда ўтди. Шу кунни дастурхонга сумалак ва ҳалим каби баҳорий таомлар тортилиб, кексалар эъзозланди, санъаткорларнинг кўшиқлари даврага ўзгача файз бағишлади.
Байрам муносабати билан кам таъминланган оилаларга саховат кўрсатилди.
(Ўз мухбиримиз)

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!

2010 йил 10 – 20 апрель кунлари
«Кўйлик қурилиш моллари» савдо мажмуасида қурилиш, хўжалик ва электр моллари савдо-ярмаркаси бўлиб ўтмоқда.
Шаҳримиз ишбилармон ва тадбиркорлари, таъмирлаш ва қурилиш ишлари билан шуғулланаётганларни савдо-ярмаркасига таклиф этамиз.
Телефонлар: 444-80-94, 295-94-87

Мутахассис оғоҳлантиради

ЗАҲАРЛИ ҚЎЗИҚОРИНДАН САҚЛАНИНГ

Баҳор фаслида об-ҳавонинг нам келиши, ёғингарчиликлар туфайли замбуруғлар ўсиб, ривожланиши учун қулай шароитлар вужудга келади. Бу фаслда кўплаб замбуруғлар пайдо бўлади, ўсиб кўпаяди.

Ер юзиде замбуруғларнинг 100 мингдан ортик ботаник турлари мавжуд бўлиб, улардан 200 туринигина истеъмол учун яроқлидир.

Ўзбекистон ҳудудида замбуруғларнинг 300 дан зиёд тури мавжуд. Бирок шулардан 25 туринигина истеъмол қилиш мумкин. Бу истеъмол учун яроқли бўлган замбуруғ турларини маҳаллий аҳоли «қўзиқоринлар» деб атайдилар. Шунинг учун ҳам республикамиз вилоятларида, ҳар бир туманида қўзиқоринларнинг фақат айрим, муайян турларинигина териблиб, улардан турли хилдаги тансиқ таомлар тайёрланади. Бу истеъмол учун яроқли қўзиқоринлар маъданли моддалар, оксил ҳамда «С» ва «В» гуруҳларига мансуб витаминларга жуда бойдир.

Бирок республикамиз ҳудудида ўсадиган қўзиқоринларнинг 275 дан зиёд ботаник турлари заҳарли ҳисобланади. Уларни асло истеъмол қилиб бўлмайди. Бундай замбуруғ турларини маҳаллий аҳоли ўз ибораси билан заҳарли ўсимлик — «қурбақанинг салласи» деб атайдилар.

Бу турларга мансуб қўзиқоринлар таркибиде гетельвелли кислотаси, фаллотоксин, аммонитоксин ва бошқа заҳарли моддалар мавжуд бўлиб, уларга қанчалик ишлов берилмасин, таркибидеги заҳарли моддалар йўқолиб кетмайди. Улар қиздиришга жуда ҳам турғун, қайнатилганда зарарсизланмайди, оксиген таъсирида оксидланмайди ва ошқозон-ичак ферментлари таъсирида парчаланмайди. Оқибатда истеъмол қил-

ган кишиларни заҳарлайди. Республикаимиз ҳудудида ўткир заҳарли замбуруғларнинг «Бледная поганка», «Легиота», «Мухомор» ва «Ложный опенок» каби турлари кўп учрайди. Улар шахримиз ҳудудидаги боғларда, қабристонларда, сайхон жойларда, дарактлар теварагида ва бошқа жойларда ҳам учраб туради. Бу замбуруғлар ҳам барча истеъмол учун яроқли бўлган қўзиқоринларга ўхшаб соясон шаклида ўсади, уларни билмай истеъмол қилган киши қаттиқ заҳарланади. Замбуруғлар таркибидеги заҳарли моддалар жигар, буйрак, меъда ости беши ва марказий асаб тизими аъзоларини қаттиқ шикастлайди. Қўзиқориндан заҳарланиш аломатлари вужудга келган тақдирда, беморга 5-6 пиёла илқ намақобли сув ичирилиб, уни сунъий қайт қилдириб, меъдаси ювилиши керак. Агар меъда ювилиб, ундаги заҳарли моддалардан халос этилмаса, бу моддалар қонга сўрилади ва заҳарланиш янада оғир кечади. Беморларни уй шароитида билар-билмас даволас оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолнинг олдини олиш учун зудлик билан шифокорга мурожаат қилишни унутманг.

Эсингизда бўлсин, заҳарли қўзиқоринлар соғлигингиз учун ўта хавфлидир.
Шухрат ЮСУПОВ,
Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки

КУТИЛМАГАН ВОҚЕА
Ўзбекистонда илк бор!

2010 йил 17 апрелдан бошлаб Тошкент циркининг мавжуд шу вақтгача уюштирилмаган томони — **Дельфинлар шовуви** нобъ аттракционни бошланади.

Шоуилинг!
Маълумотлар ва жамоа бўлиб келишга талабномалар учун телефонлар: 244-35-91, 244-32-23.

Чипталар цирк кассаларида ва тарқатувчилар томонидан сотилмоқда.
Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.
Касса соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилми: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3973 нусхада босилди. Қўзғоқ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терибли ва сақланади.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
1235